

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА “ҒАЗАБ” КОНЦЕПТИНИНГ  
ФРАЗЕОЛОГИК ВА МЕТАФОРИК ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ  
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.

Д.Б. Тургунов

АндЧТИ тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мақолада турли тизимдаги тиллар лингвомаданиятида “ғазаб” концептини метафорик тарзда ифодаловчи синтактик бирликларнинг лексик-семантик хусусиятлари ва уларда миллий менталитет ва лингвокогнитив жиҳатларнинг акс эттирилиши қиёсий тарзда таҳлил қилинади. Бу бирликлар мазмунидаги миллий ифодаларнинг таржима масалалари атрофлича тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** эмоционал концепт, лексик-семантик майдон, олам манзарасининг миллий акс эттирилиши, ифодалилик, фразеологик бирлик, алломор хусусиятлар.

**Abstract:** The article deals with the analysis of metaphoric and syntactic phraseological devices expressing the concept “anger” in different languages, focusing their linguacultural, ethic and national outlook. Basing on unique national features of depicting the “anger” concept the translation problems are investigated thoroughly.

**Key words:** emotional concept, lexico-semantic field, national interpretation of the world, expressiveness, phraseological unit, allomorph features.

Ҳар бир концепт ўз ифода кўламида кенгайиб, алоҳида тил ҳодисаси сифатида фразеологияда ҳам ўз аксини топиши лозим бўлади. “Ғазаб” концепти ҳам алоҳида концепт бўлиб, ўз ифода воситалар қаторида фразеологик бирликларни ҳам акс эттиради. “Ғазаб” концептининг турли тилларда фразеологик ифодалари структурал-семантик жиҳатлари ва лингвокултурологик хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қилсада, концептни образли тасвирлаш ва концептуал ифодасига кўра алломорф хусусиятларни намоён қилади<sup>1</sup>. Жумладан ўзбек тилидаги “жаҳлини чиқармоқ, захрини сочмоқ, ақлини йўқотмоқ” каби бирликлар фразеологияга оид бўлиб, контекстларда аслий эмас, мажозий ифодалилик асосида қўлланилади. Бу жиҳат инглиз тилидаги ҳам айнан бир хил бўлиб, фақат статистик ёки миқдорий жиҳатдан фарқланадилар. Ўзбек тилидаги луғатларда “ғазаб” концептига тегишли 17 та фразеологик бирлик аниқлаган бўлсак, инглиз тилида бу миқдор 40 дан ошиқ эканлигини кузатдик. Бу борада инглиз тилидаги боғлама феъллар ёрдамида ҳосил қилинган бирликлар асосий рол ўйнашини аниқладик. Масалан инлиз тилидаги “get, go, to be, grow” каби феъллар бу борада ниҳоятда самарали

<sup>1</sup> Тургунов Дилшодбек. (2023). ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ҒАЗАБ” КОНЦЕПТИНИ ИФОДА ҚИЛУВЧИ ВОСИТАЛАР ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ. Innovations in Technology and Science Education, 2(16), 625–640. Retrieved from <https://humoscience.com/index.php/itse/article/view/2154>

эканлиги кузатилди. Инглиз тилидаги “go” компонентли бирикмалар кенг тарқалган бўлиб, “goes ballistic, go off the deep end, go berserk, go spare, go through the roof” сингари бирикмалар барчасининг семантикасида “ғазаб” концепти ўз аксини топади. а) What's she going off the deep end for now? - Қизни нимадан жаҳли чиқаяпти? "My parents will go postal when they see the state of the house!" – уйнинг аҳволини кўриб ота-онамининг фиғони фалакка чиқиб кетди. б) When Angela found out that her husband had spent the weekend with her best friend in a Brighton hotel she went off the deep end — Анжела ўз эрининг дам олиш кунларини энг яқин дугонаси билан Брайтонда ўтказганини билгач, жаҳлдан қутуриб кетди ва меҳмонхонада қаттиқ тўполон кўтарди. в) "Lea's dad would go spare if he knew how much she spent in London!" He'll go spare if he knows — Лиднинг отаси қизининг Лондонда қанча пул сарфлагани билса, нақд ақлдан озади.

Эмоционал концептларнинг нутқ жараёнида тасвирий ифодалилигини аниқ кўрсатиш ва белгилаш мақсадларида инсон ҳаётининг тажрибаси ва кечинмаларига асосланган турли ўхшатишлар ва қийослашлар орқали, бошқача қилиб айтгани метафорик кўчимлар ёрдамида ифодалаш барча тилларга хос универсал ҳодиса ҳисобланади<sup>2</sup>. Бироқ бу тасвирий метафоралар турли лингвомаданий жамоаларда турлича семантик-концептуал ифодаларга асосланиб, ўз навбатида шу эмоционал концепт билан алоқадор миллий ифодали компонентлардан ташкил топади. Жумладан турли тиллардаги “ғазаб” концептини ифодаловчи метафоралар бир-бирларидан ташкилий компонентларига кўра фарқланишлари кузатилади. Хусусан ўзбек ва инглиз тилларида бу дифференция аниқроқ сезилсада айрим ифодалар ўзаро ўхшаш жиҳатларни ҳам акс эттиради<sup>3</sup>. Бу борада инглиз ва ўзбек тилларида “ғазаб” концепти ифодасида “олов” ва “иссиқлик/қайнаш” билан боғлиқ ифодалар деярли ўхшаш бўлиб, тадқиқотларимиз давомида 67% ҳолларда айнан мана шу алоқадорлик асосида қурилган метафоралардан фойдаланилиши аниқланди. Бундай ифодалар қаторига инглиз тилидаги “hot-blooded, burst a blood, blood boil, hot under the collar, to be fuming” каби бирикмалар киритилиб, уларнинг таркиби аксарият ҳолларда “олов” тушунчасини асосига қурилади<sup>4</sup>. Худди шундай ҳолатни мос равишда ўзбек тилидаги “портлаб кетмоқ, оғзидан олов пуркамоқ, қони қайнаб кетмоқ, ёниб кетмоқ, тутаб кетмоқ” каби фразеологизмлар мазмунида ҳам кузатамиз. Бу жиҳатда икки тилди ҳам узвий ўхшашлик кузатилади. а) His neighbors remembered him as a hot-blooded teenager, a self-styled ladies' man. (J. Galsworthy, 'Beyond', part II, ch. II) – Атрофдаи кўшнилари уни онасининг эркатойи бўлган жиззаки йигитча сифатида билишар эди. б) When he asked his boss for more wages, the man almost burst a blood vessel

<sup>2</sup> Шаховский В.И. Лингвистическая теория эмоций: моногр. М.: Гнозис, 2008.

<sup>3</sup> Мягкова, Е. Ю. Эмоционально-чувственный компонент значения слова Текст. / Е.Ю. Мягкова. Курск, 2000.-254 с.

<sup>4</sup> Ларина, Т. В. Выражение эмоций в английской и русской коммуникативных культурах Текст. / Т. В. Ларина // Язык и эмоции: личностные смыслы и доминанты в речевой деятельности: сб. науч. тр. -Волгоград: ЦОП «Центр», 2004 248 с.



(J. Galsworthy, 'Beyond', part II, ch. II) — Бойлан маошини озроқ кўтариш ҳақида гап очганида, бошлиғини қони қайнаб кетди. в) Before you burst a blood vessel it is worth noting why I'm doing it (R. E. Sherwood, 'Roosevelt and Hopkins', ch. IX)— Дарров ловуллаб кетманг, ҳозир нега бундай қилаётганимни тушунтириб бераман.

Ушбу мисоллардаги “a hot-blooded, burst a blood vessel” каби бирикмалар кўп ҳолларда фразеологик бирикма сифатида талқин қилиниб, уларнинг барчаси “қайноқ ҳарорат” концепти асосида шаклланган. Мос равишда ўзбек тилида ҳам бундай алоқадорлик аниқ сезилиб туради.

Айрим контекстларда “иссиқлик” тушунчаси коннотациялари “сабаб ва оқибат” мутаносиблигининг ўзгарган шакллари асосида акс эттирилади. Юқоридаги мисоллардаги бирикмалар сабаб орқали ифодаланса, бошқа бирикмаларда ҳарорат оқибати тасвири мисолида акс эттирилади<sup>5</sup>. Жумладан инглиз тилидаги “a short fuse(осон эримок), let off steam(буғи чиқмоқ/тутаб кетмоқ), burst out, explode(портламоқ)” каби бирикмалари семантикасидаги “ғазаб” концептуал ифодаси ҳам айнан иссиқлик оқибатидаги ҳодисалар ёрдамида амалга оширилган. Масалан, а) The press is also now on to the fact that Muskie can have a short fuse, and they poke and prod to see if he will explode. ('The Atlantic', DNE) — Газетчилар ҳам сенатор Эдвард Маскининг салга жаҳли чиқиб тутоқиб кетадиган характеридан хабардор бўлганлигидан унга тинимсиз ғашига тегадиган саволлар беришар эди. б) I went jogging to let off some steam. (R. E. Sherwood, 'Roosevelt and Hopkins', ch. IX) — Сал жаҳлимни босиш учун югуришни бошладим.

Аммо айрим ҳолларда турли тиллар ўртасида “ғазаб” концептининг фразеологизмлар ва метафорик ифодаларида тиллардаги лингвокультурологик факторлар асосида шаклланган фарқли жиҳатлар ҳам кузатилади. Юу айниқса бу концептнинг ранглар ифодаси ёрдамида акс эттиришда айниқса яққол сезилади. Масалан инглиз тилида “ғазаб”нинг юз ифодаси ва унинг натижасидаги психофизиологик ўзгаришлар тасвирида “қизил” ранг устивор бўлиб, бунинг учун “red, flush, scarlet” каби ранглар “rattle, bang, splash” каби соматик ифодалар кенг қўлланилади. Бироқ ўзбек лингвомаданиятида “ғазаб” ифодаси “кўкариб кетмоқ, оқариб кетмоқ” каби ранглар физиологик жараёнларда эса инглиз тилига тамоман тескари ҳолда “дудуқланмоқ, ўзини/гапи йўқотиб қўймоқ, эсанкираб қолмоқ” каби бирикмалар қўлланилади.

Булар эса ўз навбатида тиллар ўртасидаги алломорф хусусиятларни кўрсатади. And then I don't know what happened. I was beside myself, I saw red, I seized the revolver and I fired. (W. S. Maugham, 'Complete Short Stories', 'The Letter') — Кейин нима бўлганини эслолмайман, шу қадар ақлимни йўқотиб қўйибман-ки, тўппончани олибоқ отиб юборибман.

<sup>5</sup> Вежбицкая, А. Семантические универсалии и описание языков Текст. / А. Вежбицкая.—М.: Яз. Рус. культуры, 1999. 776 с.

Бироқ айрим ҳолларда инглиз тилидаги ҳам “кўк/мовий” рангни “blue in the face” бирикмасида бўлганидек “ғазаб” ифодаси сифатида қўлланган ҳолатлари ҳам кузатилсада, улар эпизодик характер касб этади ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган лисоний ҳодиса сифатида таҳлил қилинади. He felt a rage until he was blue in the face — Унинг шу қадар ғазоби қайнади-ки, юзлари қаҳрдан кўкариб кетди.

“Ғазаб” концепти метафорик ифодалардан ташқари соф фразеологик бирикмалар билан ҳам акс эттирилиши кўп кузатилади. Бу ҳолда фразеологизм мазмунидаги “ғазаб” ифодасининг этимологиясини аниқлаб бўлмасда, фразеологик луғатлар таркибига киритилган маъноси асосида ундаги қаҳр семантикасини англай оламиз. Бундай фразеологик ифодалар тиллардаги изоморфик белги ҳисобланиб, бир лингвомаданий жамоа орасидагина маълум бўлади. Инглиз тилида “ғазаб” концептини акс эттирувчи фразеологизмлар қаторида ran amuck; have a cow; let rip; have/ throw a fit; throw one's toys out of the pram; a bunch of fives; at sixes and sevens; bandy words; to go berserk; a dust-up каби фразеологизмлар айнан шу концептни ифода қиладилар.

Булар орасидан “bandy words; bunch of fives” каби фразеологизмларнинг таркибидаги компонентлари семантикасида улардаги “ғазаб” концептини англаш мумкин бўлса, бошқа ҳолларда бунинг имкони бўлмайди<sup>6</sup>. А) One night at a resort called Cedar Point, he got into a fight and ran amuck like a wild thing. (Sh. Anderson, “Winesburg, Ohio”, “An Awakening”. P.23) — Бир куни тунда Сидер-Пойнт Эд деган курорт шаҳарчада у жуда қутуриб кетди, занжирини узиб олган ит каби кўзига кўринган кишини талай бошлади.

Б) He ended up with a bunch of fives in the gut — Ҳаммаси унинг қорнига тушган мушт билан якун топди. В) I am not going to bandy words with you, sir... I merely tell you that if you interfere with my wife, I'll... I'll break your neck. (A. J. Cronin, ‘The Northern Light’, part II, ch. 5) — Сиз билан пачакилашиб ўтирмайман, битта гапираман. Агар яна хотинимни ғашига тегадиган бўлсангиз, жигингизни узиб оламан. Г) She'll throw a fit when she knows — Кетрин билиб қолса нақд жони ҳалқумига келади. Д) When I told her how much I had paid for my new suit she went completely berserk. — Мен унга янги костюм учун қанча тўлаганимни айтганимда хоиним ғазаб билан менга ташланиб қолди.

Мисоллардаги айрим фразеологизмларнинг шаклланиши ўзлашмалар ҳисобланиб, аксарият ҳолларда прецедент ҳодисалар воситасида концептуал ифодалари пайдо бўлади. Жумладан “to go berserk” бирикмаси қадимги скандинав халқларининг қаҳрамони номидан шаклланган бўлиб, унинг қалқонсиз, айиқ терисини ёпинган ҳолда ғазаб билан аёвсиз жангга киришига

<sup>6</sup> Гридин, В. Н. Семантика эмоционально-экспрессивных средств в языке Текст. / В. Н. Гридин // Психологические проблемы семантики. М., 1983.-С. 109-228.



прецедент қилинади. Бу каби хусусиятлар эса ўзбек тилида деярли кузатилмайди<sup>7</sup>.

Таҳлиллардан кўриниб турибди-ки, “ғазаб” концепти алоҳида концепт сифатида универсал концепт бўлиб, ҳам вербал, ҳам новербал шаклда турли сатҳлардаги ифода воситаларига эгадир. Унинг вербал ифодаланиши фақат лексик воситалар билан амалга оширилиб, барча тилларда деярли алломорф ҳисобланади ва “ғазаб” концептини лексик семаларидан иборат бўлади. Бироқ новербал ифодалари тиллардаги лингвомаданий, лингвокогнитив хусусиятларидан келиб чиқиб тиллар ўртасида фарқланиши кузатилади. Бу айниқса метафорик ва фразеологик бирликлар мисолида яққол сезилади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Turgunov Dilshodbek Bakhodirovich. (2023). Features of the Concept of "Anger" in English and Uzbek Languages . American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769), 1(9), 198–201. Retrieved from <http://grnjournal.us/index.php/STEM/article/view/1411>
2. В. В. Красных, А. И. Изотов, В. Г. Кульпина. Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Ред. колл.: В. В. Красных, А. И. Изотов, В. Г. Кульпина. – М.: МАКС Пресс, 2009. – Вып. 37. – 100 с. ISBN 978-5-317-02897-8
3. Вежбицкая А. Семантические универсалии и описание языков Текст. / А. Вежбицкая.—М.: Яз. Рус. культуры, 1999. 776 с.
4. Гридин, В. Н. Семантика эмоционально-экспрессивных средств в языке Текст. / В. Н. Гридин // Психологические проблемы семантики. М., 1983.-С. 109-228.
5. Ларина Т. В. Выражение эмоций в английской и русской коммуникативных культурах Текст. / Т. В. Ларина // Язык и эмоции: личностные смыслы и доминанты в речевой деятельности: сб. науч. тр. - Волгоград: ЦОП «Центр», 2004 248 с.
6. Мягкова Е. Ю. Эмоционально-чувственный компонент значения слова Текст. / Е.Ю. Мягкова. Курск, 2000.-254 с.
7. Тургунов Дилшодбек. (2023). Инглиз ва ўзбек тилларида “ғазаб” концептини ифода қилувчи воситалар қиёсий таҳлили. Innovations in Technology and Science Education, 2(16), 625–640. Retrieved from <https://humoscience.com/index.php/itse/article/view/2154>
8. Шаховский В.И. Лингвистическая теория эмоций: моногр. М.: Гнозис, 2008.

<sup>7</sup> Turgunov Dilshodbek Bakhodirovich. (2023). Features of the Concept of "Anger" in English and Uzbek Languages . American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769), 1(9), 198–201. Retrieved from <http://grnjournal.us/index.php/STEM/article/view/1411>